



**СОЛИҚ ТҮЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ
КҮРСАТИШ
ДЕПАРТАМЕНТИ**

**ҚҰШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ ҲИСОБОТИНИ ТҮЛДИРИШ БҮЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**

ҚҰШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҲИСОБОТИНИ ТҮЛДИРИШ БҮЙИЧА УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

1. Құшилған қиймат солиғи ҳисоб-китоби.
2. Ҳисобварақ-фактуралар реестрларини (4-илова) автоматик шаклланиши.
3. Ҳисоб-китобнинг 1-иловасини түлдириш тартиби.
4. Ҳисоб-китобнинг 2-иловасини түлдириш тартиби.
5. Ҳисоб-китобнинг 3-иловасини түлдириш тартиби.
6. Қолдик товарлар реестрларини 5-иловаси түлдириш тартиби.
7. Ҳисоб-китобнинг 6-иловаси маълумотларининг шаклланиши.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 259-моддасига асосан ҚҚСнинг солиқ даври (*ҳисобот даври*) этиб **бир ой** этиб белгиланганлиги сабабли ҳисоб-китоб ҳамда унинг иловалари (3-иловадан ташқари) **ҳисботи ойлик кўрсаткичлар асосида түлдирилади**.

Ҳисоб-китобнинг 3-иловаси маълумотлари ўсиб борувчи якун билан шакллантирилади.

ҚҚС тўловчиси тўғрисидаги маълумотлар саҳифасидаги “ҚҚС суммаси ҳисобга олинадиган усул” бандида (Солиқ кодексининг 77 ва 268-моддаларига асосан) солиқ тўловчи ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини аниqlашда фойдаланиладиган усул танланади.

Мазкур банд **түлдирилиши мажбурий** бўлиб, икки усулдан бири танланмаган тақдирда ҚҚС ҳисботининг жўнатилиши чекланади.

СТИР	ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди		
Хўжкат тuri	Солиқ даври	1 ой	йил
Хўжкат тuri: 1 – ҳисоб-китоб, 2 – аниqlаштирувчи (каср орқали аниqlаштирув раками)			
Қўшилған қиймат солиғи тўловчиси тўғрисида маълумот			
Солиқ тўловчининг тўлиқ номи	КҚС суммаси ҳисобга олинадиган усул мутаносиб усул алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш (“1” рақами кўйилсин)		
Солиқ тўловчининг жойлашган ери			
Почта манзили			
Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/оий/йил)	Ўлчов бирлиги сум		
тақдим этилари	(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органи)		

Солиқ тўловчи календарь йилда тақдим қилған дастлабки ҚҚС ҳисботида танланган ҚҚСни ҳисобга олиш усули календарь йил давомида ўзгартирилмайди.

Солиқ кодексининг 274-моддаси иккинчи қисмига асосан, 2022-йил 1-январдан қўшилған қиймат солиғининг салбий фарқ суммасини қоплаш (қайтариш) учун солиқ органларига ариза билан мурожаат қилишнинг мажбурий талаби бекор қилинди.

Мазкур ўзгаришга асосан ҚҚС салбий фарқ суммасини қайтариш учун солиқ тўловчи томонидан алоҳида ариза тақдим қилиш шарт эмас.

Эндилиқда солиқ тўловчи қўшилган қиймат солигининг салбий суммасини қайтариб олиш учун ҚҚС ҳисоботини тақдим қилиш жараёнида мазкур суммани кўрсатиб ўтиш орқали солиқ органларини хабардор қиласади.

*Агар ҳисоб-китобининг 030-сатр кўрсаткини салбий бўлса, мазкур сума Солиқ кодексининг 274-моддасида белгиланган тартибда қайтариб олиниши ёки келгуси тўловлар учун қолдириши мумкин.				
ҚҚС салбий суммасини қайтариш талаб этилади	ҚҚС салбий суммасини келгуси тўловлар учун ҳисобга олиш талаб этилади	(керакли катақка “1” белгиси қўйилади)		
Қайтариш талаб этиладиган солиқ суммаси	0,00 сўм	солиқ даври	йил	оий
Қайтариш (қоплаш) тартиби	Умумбелгиланган	Тезлаштирилган		(керакли катақка “1” белгиси қўйилади)

Солиқ кодексининг 274-моддасида белгиланган тартибда қайтариб олиниши ёки келгуси тўловлар учун ҳисобга олишга қолдириши мумкин.

Қўшилган қиймат солигининг салбий суммасини келгуси тўловларга ҳисобга олиш учун қолдириш истаги бўлса, 1 рақами қўйилади.

*Агар ҳисоб-китобининг 030-сатр кўрсаткини салбий бўлса, мазкур сума Солиқ кодексининг 274-моддасида белгиланган тартибда қайтариб олиниши ёки келгуси тўловлар учун қолдириши мумкин.				
ҚҚС салбий суммасини қайтариш талаб этилади	ҚҚС салбий суммасини келгуси тўловлар учун ҳисобга олиш талаб этилади	(керакли катақка “1” белгиси қўйилади)		
Қайтариш талаб этиладиган солиқ суммаси	0,00 сўм	солиқ даври	йил	оий
Қайтариш (қоплаш) тартиби	Умумбелгиланган	Тезлаштирилган		(керакли катақка “1” белгиси қўйилади)

Қўшилган қиймат солигининг салбий суммасини қайтариб олиш учун тегишли иловаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тўлдирилиши талаб қилинади.



Шунингдек ушбу иловаларни тўлдириши жараёнида катаклар тўлиқлиги талаб қилинади. Яъни бўш катаклар мавжуд бўлган тақдирда “0” рақами билан тўлдирилиши лозим.

Ҳисобот шаклининг сариқ рангли катаклари дастур томонидан автоматик тарзда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловчилар ҳисобот шаклининг кўк рангли катакларига тегишли маълумотларни қайд этиши керак бўлади.

Ҳисобот шаклларини тўлдиришда шаклларнинг пастки қисмида қайд этилган изоҳларга эътибор берган ҳолда маълумотларни қайд этиш лозим.

1. Қўшилган қиймат солиги ҳисоб-китоби.

ҚҚС ҳисоб-китоби кўрсаткичлари унинг иловалари орқали **тўлиқ автоматик равишда шаклланади**. Хусусан:

- 010-сатрда солиқ даврида ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси;
- 020-сатрда солиқ давридаги товарларни (*хизматларни*) реализация қилиш айланмаси бўйича ҚҚС суммаси;
- 030-сатрда жорий солиқ даври учун бюджетга тўлашга (*камайишига*) ҳисобланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси шаклланади.

2. Ҳисобварақ-фактуралар реестрларини автоматик шаклланади.

2.1. “Харид қилингандай товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар реестри”.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 4-иловаси 1-жадвал “Харид қилингандай товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар (ҳисобварак-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) Реестри” (кейинги ўринларда “Сотиб олиш реестри” деб юритилади) деб номланади.

Мазкур реестр Солик кодексининг 37-бобида белгиланган тартибда ҳисобга олинниши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш мақсадида солик даврида товар етказиб берувчилар томонидан қўшилган қиймат солиғини киритган ҳолда тақдим этилган ҳисобварак-фактуралар асосида **автоматик шаклланади**.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 4-иловаси 1-жадвал “Харид қилингандай товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар (ҳисобварак-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) Реестри” **икки томонлама тасдиқланган электрон ҳисобварак фактуралар**, божхона юк декларациясининг кўрсаткичлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарорига асосан **ҚҚС гувоҳномаси мавжуд бўлмаган, вақтинча тўхтатилган ёки бекор қилингандай** даврдаги ҳисобга олинмаган ҳисобварак-фактуралар асосида автоматик шаклланади.

Солик кодексининг 266¹-моддаси иккинчи қисмига асосан гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги муносабати билан ҳисобга олиш учун қабул қилинмаган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солик суммаси гувоҳноманинг амал қилиши қайта тикланган тақдирда, гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган санадан эътиборан солик тўловчида ва унинг харидорларида ҳисобга олинади (тузатилади).

Бунда ушбу ЭҲФларга тузатувчи ЭҲФ шакллантириш керак бўлади.

Шунингдек, савдо терминаллари (корпоратив карта) орқали олинган товарлар учун тақдим қилингандай чекларнинг махсус кодларини **my.soliq.uz** сайтидан рўйхатдан ўтказиш орқали “Сотиб олиш реестри” да автоматик шакллантириш имкони мавжуд.

Мисол учун: “Афросиёб” корхонаси 2022 йилнинг январь ойида жами 126,5 млн. сўмлик (шу жумладан, ҚҚС 16,5 млн. сўм) товарлар (хизматлар) харид қилди. Хусусан:

- Импорт шартномасига асосан 103,5 млн.сўмлик технологик жиҳоз, шундан ҚҚС 13,5 млн. сўм бўлган товарлар харид қилди;
- “Файз” МЧЖдан (Ўз.Р резиденти) 23 млн.сўмлик хом-ашё, шундан ҚҚС 3 млн.сўм.

Юқорида келтирилган мисол бўйича харид қилингандай маҳсулотлар ҚҚС ҳисоботининг 4-иловаси 1-жадвали ва реестрида қуидагича автоматик шаклланади.

Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар
(ҳисобварак-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар)
РЕЕСТРИ

T/p	Етказиб берувчи номи	Етказиб берувчининг СТИРи	Ҳисобварак-фактура		Етказиб бериш қиймати (ҚҚСсиз)	ҚҚС суммаси	Шундан, ҳисобга олинмайдиган товарлар (хизматлар)	
			Рақами	Санаси			Қиймати (ҚҚСсиз)	ҚҚС суммаси
			ЖАМИ	110 000 000,00	16 500 000,00		0,00	0,00
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Божхона	200794867	16341	01.01.2021	90 000 000,00	13 500 000,00		
2	Файз МЧЖ	300000000	12	08.01.2021	20 000 000,00	3 000 000,00		

Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар (ҳисобварак-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) РЕЕСТРИ *								
T/p	Етказиб берувчи номи	Етказиб берувчининг СТИРи **	Ҳисобварак-фактура рақами	Ҳисобварак-фактура санаси	Етказиб бериш қиймати (ҚҚСсиз) ***	ҚҚС суммаси	Шундан, ҳисобга олинмайдиган товарлар (хизматлар)	
							Қиймати (ҚҚСсиз)	ҚҚС суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Йил бошидан солиқ даври бошига қадар жами								
Солиқ даври бўйича жами	x	x	x		110 000 000,00	16 500 000,00		
Йил бошидан жак					110 000 000,00	16 500 000,00	0,00	0,00

ҚҚС ҳисоб-китоби 4-иловасининг 1-жадвали “Йил бошидан жами” сатрининг 6 ва 7-устунлари маълумотларига асосан ҳисоб-китоб 3-иловасининг 011-сатрида автоматик равишда шаклланади.

ҚҚС ҳисоб-китоби 4-иловасининг 1-жадвали Шундан, ҳисобга олинмайдиган товарлар (хизматлар) 8 ва 9-устунларига ушбу ҳисобот шакли 3-илова 1101-1112-сатрларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси киритилади.

2.2. “Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар реестри”.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 4-иловаси 2-жадвали “Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар (ҳисобварак-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) Реестри” деб номланади.

Мазкур реестр Солиқ кодексининг 32-бобида белгиланган тартибда солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича тақдим этилган ҳисобварак-фактуралар асосида **автоматик шаклланади**.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 4-иловаси 2-жадвали “Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар (ҳисобварак-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) Реестри” сотиб олувчига юборилган электрон ҳисоб-варақ фактуралар (бир томонлама электрон ҳисоб-варақ фактуралар), божхона юк декларациясининг, онлайн назорат касса машиналар кўрсаткичлари ҳамда маркетплейс орқали амалга оширилган реализация маълумотлари асосида автоматик шаклланади.

Онлайн назорат касса машиналари (онлайн-НКМ) ўрнатилган ва маркетплейс орқали реализация қилинганди товарлари (хизматлари) мавжуд солиқ тўловчилар учун:

ҚҚСнинг ҳисоб-китоби 4-иловаси 2-жадвали (*Реализация қилинганди товарлар (хизматлар)* бўйича ҳисобварақ-фактуралар (*ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиганди хужжатлар*) реестри)нинг 6-, 7-устунларида нақд пулда ва (ёки) банк пластик карталари ҳамда маркетплейс орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар онлайн-НКМ ва маркетплейс маълумотларига асосан автомат шаклланади.

Эслатма!



Ҳисоботдаги реализация қилинганди товарлар суммаси онлайн-НКМ маълумотлари бўйича йиғилганлиги сабабли онлайн-НКМ бўйича нақд пулда ва (ёки) банк пластик карталари орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар учун бир томонлама ЭХФ шакллантирилмайди.



Товар айланма корпоратив карта бўйича икки томонлама ЭХФ шакллантириш натижасида сотиш суммаси икки марта кўпайган ҳолда камайишга бир томонлама ЭХФ шакллантириш орқали жами реализация қилиш айланмасини тўғрилаш лозим.

Мисол: “Афросиёб” корхонаси 2022 йилнинг январь ойида:

- “Favvora” МЧЖга ҚҚС билан 115 млн. сўмлик;
- экспортга ҚҚСнинг нолли ставкасини қўллаган ҳолда 50 млн. сўмлик;
- нақд пулга жами ҚҚС билан 23 млн. сўмлик;
- банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилган ҳолда ҚҚС билан жами 46 млн. сўмлик товарларни реализация қилган.

Бундан ташқари, “Афросиёб” корхонаси ўзига тегишли бинонинг бир қисмини “Ноёб” МЧЖга ойига 11,5 млн. сўм (ҚҚС билан) тўлаш шарти билан ижарага берган. Ижарага бериш шартномасига асосан ижарага олувчининг зиммасига ўзи фойдаланган коммунал хизматлар учун тўловларни ҳам қоплаб бериш юклатилган.

Январь ои якуни билан “Афросиёб” корхонаси “Ноёб” МЧЖга жами 13,8 млн. сўмга (ҚҚС билан) ҳисобварақ-фактура тақдим қилди. Шундан, 2,3 млн сўми (ҚҚС билан) “Ноёб” МЧЖ томонидан фойдаланилган коммунал тўловлар учун қоплаб бериладиган харажатлардир.

Юқорида келтирилган мисол бўйича реализация қилинганди товарлар (хизматлар) ҚҚС ҳисоботининг 4-иловаси 2-жадвали ва реестрида қуийдагича автоматик шаклланади.

Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар
(ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар)
РЕЕСТРИ

T/p	Сотиб олиувчининг номи	Сотиб олиувчининг СТИРи	Ҳисобварақ-фактура		Етказиб бериш қиймати (ҚҚСиз)	ҚҚС суммаси	ҚҚС билан қиймати	Шу жумладан, қоплаб бериладиган харажатлар	
			Рақами	Санаси				Қиймати (ҚҚСиз)	ҚҚС суммаси
			ЖАМИ		222 000 000,00	25 800 000,00	247 800 000,00	2 000 000,00	300 000,00
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	"Favora" МЧК	300000001	1	15.01.2021	100 000 000,00	15 000 000,00	115 000 000,00		
2	"Ноёб" МЧК	300000002	2	18.01.2021	12 000 000,00	1 800 000,00	13 800 000,00	2 000 000,00	300 000,00
3	Божхона	200794867	13258	20.01.2021	50 000 000,00	0,00	50 000 000,00		
4	нақт пул			3	31.01.2021	20 000 000,00	3 000 000,00	23 000 000,00	
5	тўлов терминал			4	31.01.2021	40 000 000,00	6 000 000,00	46 000 000,00	

Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар
(ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар)
РЕЕСТРИ

№	Сотиб олиувчининг номи	Сотиб олиувчининг СТИРи	Ҳисобварақ-фактура рақами	Ҳисобварақ-фактура санаси	Етказиб бериш қиймати (ҚҚСиз)	ҚҚС суммаси	ҚҚС билан қиймати*	Шу жумладан, қоплаб бериладиган харажатлар	
								Қиймати (ҚҚСиз)	ҚҚС суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Солиқ даври бўйича жами		x	x	x	222 000 000,00	25 800 000,00	247 800 000,00	2 000 000,00	300 000,00

Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича жами айланма суммаси ҚҚС ҳисоб-китобининг 4-иловаси 2-жадвали “Солиқ даври бўйича жами” сатрида **автоматик қўрсатилади**.

2.3. Воситачилик (топширик) шартномалари бўйича операцияларни ҳисоб-китобнинг 4-иловаси 3-жадвалида автоматик шаклланиш тартиби.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 4-иловаси 3-жадвалида фақат воситачилик (топширик) шартномалари асосида операцияларни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан шакллантирилган уч томонлама электрон ҳисоб-варақ фактуралар ҳисобига **автоматик шаклланади**.

Воситачилик (топширик) шартномалари асосида реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар РЕЕСТРИ *									
T/p	Комитент номи	Комитент СТИР	Ҳисобварақ-фактура рақами	Ҳисобварақ-фактура санаси	Учинчи шахс номи	Учинчи шахс СТИР	Етказиб бериш қиймати (ҚҚСиз)	ҚҚС суммаси	ҚҚС билан қиймати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Солиқ даври бўйича жами	x	x	x	x	x	x			0,00

* Мазкур илова воситачилик (топширик) шартномалари асосида фволигат кўрсатамётган солиқ тўлоевичилар томонидан тўлдириллади. Илова сатрларида шундай шартномалар асосида тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар бўйича маълумотлар киритилади.

Воситачи (ишончли шахс) комитентнинг (топширик берувчининг) товарларини (хизматларини) реализация қилганда комитентдан (топширик берувчидан) қабул қилиб олган товарлар (хизматларни) Сотиб олиш реестрида кўрсатмайди.

Воситачи (ишончли шахс) комитент (топшириқ берувчи) учун товарлар (хизматлар) харид қилганда етказиб берувчидан қабул қилиб олган товарларни (хизматларни) Сотиб олиш реестрида кўрсатмайди.

3. Ҳисоб-китобнинг 1-иловасини тўлдириш тартиби.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 1-иловаси **солиқ даврида** амалга оширилган товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари бўйича тўлдирилади.

Бунда мазкур илова 3-устунининг:

- 010-Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари 4-иловаси 2-жадвал орқали тегишли ҳисобю-китоблар бўйича **автоматик шаклланади**;

- 0108-сатри “Бозор қийматидан паст нархда реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) бозор қиймати ва ҚҚС киритилмаган ҳолда реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ суммаси” бўйича **“Бозор нархидан паст нархда реализация”** бир томонлама ЭХФ шакллантирилади;

The screenshot shows a form for creating a financial document. It includes fields for:

- Ҳисобварақ-фактура тури**: Type (Стандарт).
- Ҳисобварақ-фактура**: Date (10.05.2021).
- Шартнома**: Date (10.05.2021).
- Ишончнома**: Status (Йўқ).
- Бир томонлама ҳисобварақ-фактура**: Status (Йўқ).
- Тур**: Selection dropdown.
- Жисмоний шахсга**: Description (Хизматлар экспорти (Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридан), Хизматлар импорти, Давлат сирига боғлик реализация, Молиявий хизматлар).
A red arrow points to the option **Бозор нархидан паст нархда реализация**.
- Товар чиқарувчи**: Fields for STIP / ЖШШИР and ФИШ.

-0109-сатри “Товарларни импорт қилишда ҚҚС тўлаш мақсадида товарларнинг божхона қиймати ва ҚҚС киритилмаган ҳолда реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ суммаси” бўйича **“Божхона нархидан паст нархда реализация”** бир томонлама ЭХФ шакллантирилади;

- 0110-сатрида **20 фоизлик ставка** бўйича (2019 йил 1 октябрга қадар) тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар бўйича солиқ солинадиган базага киритилган тузатиш суммаси;

- 0111-сатрида **15 фоизлик ставка** бўйича тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар бўйича солиқ солинадиган базага киритилган тузатиш суммаси;

- 020-сатрида **Ўзбекистон Республикаси худуди реализация қилиш жойи** деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатиш бўйича айланма қиймати кўрсатилади.

Солиқ кодексининг 266-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси худуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатувчи якка тартиbdagi тадбиркорлар ва Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслар белгиланган тартибда ҳақиқатда олинган товарлар бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Мазкур хизматни амлага оширган солиқ тўловчилар томонидан **“Хизматлар экспорти (Ўзбекистон Республикаси худудидан ташкари)”** бир томонлама ЭХФ шакллантирилади.

1-илованинг 4-устунидаги ҚҚС суммаси кўрсатиладиган сатрлар 3-устундаги суммадан келиб чиқсан ҳолда **12 фоизлик** ставкадан келиб чиқиб **автоматик равища ҳисоблаб чиқарилади**.

Иловага қўйилган мантиқий шарт (автоматик назорат):

1-илова 4-устуни 010-сатридаги қиймат 4-илованинг 2-жадвали 7 ва 10-устунларидағи қийматлар айнормасига тенг бўлиши лозим. Акс ҳолда “Ошибка”сўзи пайдо бўлади ва ҳисоботни юбориши имконияти чекланади.



4. Ҳисоб-китобнинг 2-иловасини тўлдириш тартиби.

4. Ҳисоб-китобнинг 2-иловасини тўлдириш тартиби.

4. Ҳисоб-китобнинг 2-иловасини тўлдириш тартиби.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 2-иловасида солиқ давридаги ҚҚСдан озод қилинган ҳамда ноль даражали ставка бўйича ҚҚС солинадиган айланмалар кўрсатилади.

Ушбу илованинг солиқ солинмайдиган товарларни (хизматлар) реализация қилиш айланмалари ЭХФ, онлайн-НКТ, маркетплейс орқали реализация қилинган товарлар (хизматлар) шакллантириш жараёнининг ўзида ҚҚС бўйича фойдаланаётган имтиёзларини танлаш орқали автоматик шаклланади.

Солиқ кодексининг 36-бобига асосан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар (хизматлар) реализациясининг жами қиймати мазкур илованинг 040-сатрида қайд қилинади.

5. Ҳисоб-китобнинг 3-иловасини тўлдириш тартиби.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 3-иловасида ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси аниқланади.



ҚҚС ҳисоб-китобининг фақат 3-иловаси йил бошидан ўсиб борувчи якун билан тўлдириллади.

Қўшилган қиймат солиғининг 3-иловаси 010-сатрида харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси мазкур илованинг 0111 ва 012-сатрлари маълумотларидан **автоматик шаклланади**.

011 (0111 ва 0112) сатрлари маълумотлари ҚҚС ҳисботи 4-иловасининг 1-жадвалнинг “Йил бошидан жами” сатри маълумотларидан шаклланади.

012-сатр маълумотлари ҚҚС ҳисботи 5-иловасининг “Жами” сатрининг 9 ва 10-устунлари маълумотларидан шаклланади.

Ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси **мутаносиб усулда** солиқ тўловчининг товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаларидан (**6-илованинг 0201-0204-сатрлари**) келиб чиқиб 3-илованинг 0201-0204-сатрларида ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчи **апоҳида-апоҳида** ҳисоб юритса, солиқ солинадиган объектлар бўйича ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини 0301-0304-сатрларда кўрсатади.

Солиқ даври якуни билан ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси 3-илованинг 040-сатрида шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 266, 267, 269, 270 ва 271-моддаларига асосан ҳисобга олинадиган ва ҳисобга олинмайдиган қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатишлар киритилган тақдирда, бу тўғрисидаги ёзувлар 3-илованинг 012, 0121, 0122 ҳамда 1101-1111-сатрларида мазкур ҳисботнинг 5-иловаси орқали **автомат** шакллантириллади.

Шу билан бирга, 3-илова 1112-сатрида Солиқ кодексининг 266-моддасига асосан божхонада тўланмаган солиқлар **автоматик** ҳисобдан чиқарилади.

Жорий календарь йилда ўтган календарь йилда экспорт қилинган товарлар учун келиб тушган тушум 3-илованинг 060 ва 070-сатрларида кўрсатилади.

Аввалги календарь йилда валюта тушуми тўлиқ келиб тушмаганлиги сабабли ҳисобга олинмаган ҚҚС суммаси 3-илованинг 090-сатрига киритилганда, 100-сатрда ҳисобга қабул қилиниши лозим бўлган ҚҚС суммаси **автоматик** равишда аниқланади.

6. ҚҚС суммасига тузатиш киритиш 5-иловаси тўлдириш тартиби.

ҚҚС ҳисоб-китобининг **5-иловаси 1-жадвали** “Солиқ тўловчи бўлмаган шахс солиқ тўловчи сифатида маҳсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда (солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинганда) ва ўтган календарь йилда импорт қилинган товарларни олиб кириш чоғида тўлов кечикирилганлиги сабабли тўланмаган сумманинг ҳисбот даврида божхона органига тўланган қисмини ҳисобга олинадиган ҳамда илгари ҳисобга олинмаган (Солиқ кодексининг 269-270-моддаларида назарда тутилган ҳолларда) ҚҚС суммасини ҳисобга олиш Реестри” деб номланади.

Солиқ кодексининг 266-моддаси 8-қисми мувофиқ 470¹-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи бўлмаган шахс солиқ тўловчи сифатида ушбу Кодекснинг 237-моддасига мувофиқ маҳсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда, шунингдек солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинган тақдирда солиқ тўловчи маҳсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйиш (озод қилишни бекор қилиш) санасида ўз балансида мавжуд бўлган товар-моддий захиралар қолдиқларининг ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида ҳисобга олинган солиқ суммасини ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этилган тақдирда, ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ўтган календарь йилда импорт қилинган товарларни олиб кириш чоғида тўлов кечикирилганлиги сабабли тўланмаган сумманинг ҳисбот даврида божхона органига тўланган қисмини ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

5-илова 1-жадвалининг 7-8-устунларига сўнгги ўн икки ой ичидаги олинган, солиқ тўловчида уни рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйиш (озод этишини бекор қилиш) санасида товар-моддий захиралар қолдиғига мавжуд бўлган товарлар (хизматларнинг) ҳисоб-варак фактуралар (*БЮДлар*) бўйича тўлдирилади.

Шунингдек, 9-ва 10-устунларига Солиқ кодексининг 266-моддаси 9-қисмидан келиб чиқсан ҳолда тўлдирилади.

Мазкур қўлланманинг 6-бобига мувофиқ ҚҚС тўловчиси бўлмаган шахс солиқ тўловчи сифатида маҳсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда, шунингдек солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинган тақдирда рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйилган санадан олдинги сўнгги ўн икки ой ичидаги олинган, солиқ тўловчида уни рўйхатдан

үтказиш ҳисобига қўйиш (озод этишини бекор қилиш) санасида мавжуд бўлган товар-моддий захиралар қолдигига тўғри келадиган товарларнинг (хизматларнинг) ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини 3-илованинг 012-сатрида ўсиб борувчи якун билан **автоматик** акс эттирилади.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 5-иловаси 1-жадвали реестри қуидагича шакллантирилади:

my3.soliq.uz сайтидан “Барча хизматлар бўлими” “ҚҚС суммасига тузатиш киритиш” танланади ва қуидаги лавҳадаги амаллар бажарилади:

1.

Электрон солиқ хизматлари

1198 Колл-марказ

Ўзбекча

Бош саҳифа Портал янгиликлари Барча хизматлар ДСҚ сайти Техник қўллаб-қувватлаш

Юридик шахслар учун

Шахсий кабинет

Хизматлар >

Жисмоний шахслар учун

Шахсий кабинет

Хизматлар >

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун

Шахсий кабинет

Хизматлар >

Барча хизматлар

Бош саҳифа - Барча хизматлар

Солиқ тўловчи ЮШнинг рўйхат маълумотлари (профиль) ва уларнинг ўзгариши тўғрисида маълумотлар тақдим этиш

Солиқ тўловчи ЖШнинг рўйхат маълумотлари (профиль) ва уларнинг ўзгариши тўғрисида маълумотлар тақдим этиш

Ташкилот филиаллари реестрини шакллантириш

Корпоратив карталар чекларини рўйхатдан ўтказиш

Елланма ишчиларни ҳисобга қўйиш

Ўз-ўзини банд қилган fuqarolarni ҳисобга қўйиш

KKC суммасига тузатиш киритиш

2.

Электрон солиқ хизматлари

1198 Колл-марказ

Ўзбекча

Бош саҳифа Хисобот юбориш Солиқларни тўлаш Хизматлар Солишишма далолатномалар Хабарлар

KKC суммасига тузатиш киритиш

T/P	Тузатиш амалга оширилган хужжат	ЭХФ/БЮД ID	ЭХФ/БЮД раками	Расмийлантирилган сана	Етказиш баҳоси	ҚҚС (Ставка, %)	ҚҚС (Сумма)	Етказиш баҳоси ҚҚС билан	Тузатиш амалга оширилган сана	Изоҳ
1	БЮД	03014/20.04.2022/000643	000643	20.04.2022	39 177 176 013,3	15	5 876 576 402,0	45 053 752 415,3	20.01.2023	ҳисобга олинган
2	ЭХФ	63591573b407ab41c3ceba12	03014	20.04.2022	39 177 176 013,3	15	5 876 576 402,0	45 053 752 415,3	20.01.2023	ҳисобдан чиқарилган
3	БЮД	03014/20.04.2022/000643	000643	20.04.2022	39 177 176 013,3	15	5 876 576 402,0	45 053 752 415,3	20.01.2023	ҳисобга олинган

* Ихтиёрий сатр устига босилганда тузатишни киритилган товарлар кесмидаги маълумотлар шаклланади.

3.

Ҳисобга олиниши лозим бўлган ЭҲФ ёки БЮД(пострақами/санаси/БЮДрақами) ID рақами киритилади, кейин эса ҳисобга олиниши лозим бўлган қолдиқ қийматлар киритилади:

Хисоб фактура
ЭҲФ

Хисобдан чиқариш мақсади

Сақлаш

ЭҲФ/БЮД маълумотларингиз		ЭҲФ/БЮД маълумотларингиз	
ЭҲФ/БЮД ID рақам		СТИР/ЖШШИР	
Хуяқат санаси	Хуяқат рақами	Корхона номи	
ККС тўловчининг рўйхатдан ўтган рақами		ККС тўловидан узилиши коеффициенти (бутун занжир бўйича)	
		0.25	
Тузатиш киритилиши лозим бўлган сана		Рўйхатни юклаб олиш	

№	МХИК ва маҳсулот ёки хизмат номи	Маҳсулот ёки хизматга изоҳ	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Етказиш баҳоси	ККС (Ставка, %)	ККС (Сумма)	Етказиш баҳоси ККС билан
1 ӯчириш	6452ece3-2ba7-4edb-95b5-ae2c81da2320								
2 ӯчириш	69b7601b-e69b-40ed-9bafe7fd874e86fe								
3 ӯчириш	4a949b79-7a93-4971-979d-2bf08f4986ca								

ҚҚС ҳисоб-китобининг **5-иловаси 2-жадвали** “Ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммасини Солиқ кодексининг 266-267-269-271-моддаларига асосан ҳисобдан чиқариш Реестри” деб номланади.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 5-иловаси 2-жадвали реестри қуйидагича шакллантирилади:

my3.soliq.uz сайтидан “Барча хизматлар бўлими” “ҚҚС суммасига тузатиш киритиш” танланади ва қуйидаги лавҳадаги амаллар бажарилади:

1.

Электрон солиқ хизматлари

1198 Колл-марказ

Ўзбекча

Барча хизматлар

ДСҚ сайти

Техник қўллаб-қувватлаш

Юридик шахслар учун

Шахсий кабинет

Хизматлар >

Жисмоний шахслар учун

Шахсий кабинет

Хизматлар >

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун

Шахсий кабинет

Хизматлар >

Барча хизматлар

Бош саҳифа - Барча хизматлар

Солиқ хисоби

Солиқ тўловчи ЮШнинг рўйхат маълумотлари (профиль) ва уларнинг ўзгариши тўғрисида маълумотлар тақдим этиши

Солиқ тўловчи ЖШнинг рўйхат маълумотлари (профиль) ва уларнинг ўзгариши тўғрисида маълумотлар тақдим этиши

ҚҚС суммасига тузатиш киритиш

Ташкилот филиаллари реестрини шакллантириш

Корпоратив карталар чекларини рўйхатдан ўтказиш

Елланма ишчиларни ҳисобга қўйиш

Ўз-ўзини банд килган фуқароларни ҳисобга қўйиш

2.



ҚҚС суммасига тузатиш киритиш

5-илова 2-жадвал
учун

ҚҚС суммасини ҳисобга
олиш

ҚҚС суммасини ҳисобдан
чиқариш

Жами 3

Жукжат ЭХФ

T/P	Тузатиш амалга оширилган ҳужжат	ЭХФ/БЮД ID	ЭХФ/БЮД рақами	Расмийлаштирилган сана	Етказиш баҳоси	ҚҚС (Ставка, %)	ҚҚС (Сумма)	Етказиш баҳоси ҚҚС билан	Тузатиш амалга оширилган сана	Изоҳ
1	БЮД	03014/20.04.2022/000643	000643	20.04.2022	39 177 176 013,3	15	5 876 576 402,0	45 053 752 415,3	20.01.2023	ҳисобга олинган
2	ЭХФ	63591573b407ab41c3ce6a12	03014	20.04.2022	39 177 176 013,3	15	5 876 576 402,0	45 053 752 415,3	20.01.2023	ҳисобдан чиқарилган
3	БЮД	03014/20.04.2022/000643	000643	20.04.2022	39 177 176 013,3	15	5 876 576 402,0	45 053 752 415,3	20.01.2023	ҳисобга олинган

* Иктиёрий сатр устига босилганда тузатини киритилган товарлар кесмидағи маълумотлар шаклланади.

3.

Ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган ЭХФ ёки БЮД(пострақами/санаси/БЮДрақами) ID рақами киритилади, кейин эса ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган қолдиқ қийматлар киритилади:

Nº	MХИК ва Maxsulot ёки хизмат номи	Максулот ёки хизматга изоҳ	Ўчнов бирлиги	Сони	Нархи	Етказиш баҳоси	ҚҚС (Ставка, %)	ҚҚС (Сумма)	Етказиш баҳоси ҚҚС билан
1	6452ece3-2ba7-4edb-95b5-aec2c81da2320								
2	69b7601b-e69b-40ed-9bae-d77d574e86fe								
3	4a949b79-7a93-4971-979d-2bf08f4986ca								

7. Ҳисоб-китобнинг 6-иловаси маълумотларининг шаклланиши.

ҚҚС ҳисоб-китобининг 6-иловаси маълумотлари солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҚҚС ҳисботлари маълумотларидан келиб чиқиб, автоматик равишда ҳисоблаб чиқарилади (товарларни экспорт қилувчилардан ташқари).

ҚҚС ҳисоб-китоби 6-иловаси 01041 ва 01042-сатрларида **факатгина жорий календарь йилда экспортга реализация қилинган товарлар** бўйича тушумлар кўрсатилади.

Агар товарларни экспортга жўнатиш ва жўнатилган товар учун валюта тушуми турли чет эл валютасида амалга оширилса, 01041 ва 01042-сатрлардаги барча чет эл валютаси юкни жўнатиш амалга оширилган санадаги Марказий банк белгилаган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисобланади.



Үтган йилда экспортга реализация қилингандар учун жорий
календарь йилда келиб тушган тушум **3-иловада 5-илова оркали**
күрсатиласы.